



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (12.156)

Баҳоси эркин нархда

ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ – БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

Президент Ислом Каримовнинг интервьюсидан
келиб чиқадиган хуносалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига баянлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тараққиёти, ҳалқимизнинг бутунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу чиқиши, унинг барча нутқи ва маърузали каби, ўзининг долзарблиги, кенг камрови, теран мантиқий асоси, амалий хуносалар ва таклифлари билан ҳалқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш ўтгоди.

Мазкур сұхбатда, аввало, ҳалқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб хисса қўшгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Агарки ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион ўртдошимиш қатнашганини, шундан таҳминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, бу фожиа Ўзбекистондаги биронта хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади».

Дарҳақиат, бу ракамларнинг магзини чақидаган бўлсак, улар ҳалқимиз бошига тушган чексиз қайғу-алам ва изтироблардан далолат бериши ўз-ўзидан равшан бўлади.

«Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин ҳалқимизнинг кўксидаги, қалбидаги мудҳиш уруш азоб-укубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қаҷон унтутилмайди, – деди давлатимиз раҳбари. – Барчамизниш ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртдининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асрараш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, ҳалқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яраттанимиздан сўрайди».

Ўтганлар хотирасини ўзида сақлаб, эъзозлаб яшаш ҳалқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келгани ва қонконимиз, сук-сугумизга сингиб кетгани ушбу чиқиша алоҳида қайд этилди.

«Жаҳон тарихида даҳшатли из колдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, ҳалқимизга ўзи талаб этмоқда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Буни

буғун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади» деган, бамисоли қалб нидоси каби янграган даъваткор сўзлар ҳаммамизни ён-атрофимизга сергак назар ташлаб, маънавий жиҳатдан доимо уйғоқ бўлиб яшашга ундида.

Хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган сұхбатда тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама иммий ва ҳаётин асосда таъриф берилди.

«Тарихий хотира – бу умр мазмунини, авлодлар ўтасидаги ворислик туйгусини, уларнинг бир-бира га даҳлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хуносал чиқаруб, бутунги кун учин тўғри йўл танлаш, ота-бобларимизнинг руҳи покларига хурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл кўйимаслик, уларни кўз қорачигидек аспар демакдир».

Чиндан ҳам, тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқлик туйгусидан ўтфотади, унинг гафлат ботқогига ботиб қолишига йўл кўймайди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобига мурожаат қилиш жоиз, деб ўйлаймиз. Ушбу китобдан ўрин олган, 1990 йил 5 июнда республика миқёсидаги катта бир мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган, чукур сиёсий мазмunga, дастурий аҳамиятга эга бўлган мәръузанинг «Ўтмишдан сабок чиқаруб, келажакка ишонч билан» деб аталиши буни яққол тасдиклайди.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, бундан 22 йил олдин сўзланган ўша мәръузада ушбу шарҳимизда тилга олиётган энг муҳим масалалар, яъни тарихга хурмат билан қараш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, азалий урфодат ва анъаналарни, миллий тилини асрар-авайлаш, миллиатлараро муносабатларни тўғри йўлга кўйиш, миллиатчилик, шоғинизм, «оммавий маданият» кўринишларига қарши курашиш, байнаплилар тарбияни кучайтириши, ёшларга ҳал қиувчи куч сифатидан эътибор ва фамхўлил кўрсатиш, Куролли Кучларга муносабат каби ўнлаб масалалар ўзининг ҳар томонлама чукур таҳлилини топганини ва бу масалалар бутунги кун билан нақдад ҳамоҳанг эканини яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш масалалари мавзуидаги матбуот анжумани ўтказилади.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги «Машинасозлар» маҳалласи ва «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигига таш-

ПОЙТАХТИНИГ БИР КУНИ



Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ИМКОНИЯТЛАР ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Шавкат Ҳалилов Тошкент кимё-технология институти аспирантурасида металлар устини электрокимёвий қоплаш мавзууда иммий изланишлар олиб бораётган пайтда ўз бизнесини йўлга кўйинши ниyat қилган эди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган кенг имкониятлар ўш олим режаларининг амалга ошишида муҳим омил бўлди. 1999 йилда «Met-fur-servis» хусусий корхонасини ташкил этилди. Аёллар ва болалар сумкалари учун метал безаклар, ҳалқ истемоли моллари, камарларга тўғалар, хуллас, енгил саноат ва ҷарн-аторлик буюмлари учун қўлбаг турдаги фурнитура жиҳозлари ишлаб чиқариши йўлга кўйди.

Ички бозорда бундай маҳсулотларга талаб юкори бўлгани боис олти киши иш бошлаган корхона қисқа фурсатда кенгайиб, масъулияти чекланган жамиятга айланди. Эндиликда мазкур қисқи кичик корхона тутмагдан то автомобилинг қатор бутловчи қисмларига ишлаб чиқарилаётir. Ишчилар сони ҳам бир юз кирк нафардан ошиб, ишлаб чиқариш ҳажми йил сайн ўсмода. Масалан, 2010 йилда 3 миллиард, 2011 йилда эса 4 миллиард сўмлик маҳсулотлар буюртмачи корхоналарга етказиб берилди.

– 2005 йилдан фоалиятимиз янги боскинга чиқди, – дейди «Met-fur-servis» масъулиятини чекланган жамият директори Ш.Ҳалилов. – Асакадаги «GM Ўзбекистон» кўшма корхонаси фурнитура жиҳозларини маҳаллийлаштириш учун бизга буюртма берди. Натижада 2006 йилдан автомобиль бутловчи қисмларини тайёрлашни бошладик. Ҳозир Асакадан чиқаётган автомобиллар учун оддий шайбалардан то эшик дастаклари, давлат номерини ёритувчи ёритқичларгача тайёрлашпазим. Қисқача айтганда, корхонасим юртимиздан мазкур қисқи тайёрлашни автомобиллар учун 42 хилдаги деталь ва узелларни етказиб берилди.

Корхонада тайёрланётган 30 фоиз маҳсулотни автомобиль саноати учун ёнилиги баклари ишлаб чиқариш билан шуғулланётган «Ўзсёмюм» кўшма корхонаси харид қилмоқда. Ҳозир бу корхонага 37 турдаги бутловчи қисм етказиб берилмоқда. Энг муҳими, импорт ўнини босувчи ушбу жиҳозлар сифати корхинкидан асло қолишибади.

– Маҳсулотларимизнинг 90 фоизи маҳаллийлаштирилган учун корхонамиз 5 фоизли ягона соликандан хамда бу маҳсулотларни тайёрлаш учун хориждан олиб келинётган хамашё учун божона тўловидан озод килинганд, – дейди Ш.Ҳалилов. – Ана шундай имтиёзлар туфайли хисобимизда колайётган маблагни корхонани замонавий жиҳозлаш, модернизациялаш учун йўналтириб, маҳсулотлар турини ошияпмиз. Натижада янги иш ўрнлари яратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI ғасри
сафоси
Барча
манбалардан
онлайн сунгли
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2012 йил 15 май куни Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) ва Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олий органларининг мажлислирида иштирок этади.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасида Бюджет ва иқтисоди ишотлар кўмитаси томонидан Молия вазирилиги билан ҳамкорликда бюджет жараёнларига бағишиланган амалий семинар ташкил этилди. Унда тегиши вазирилигидан идоралар вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

• Наманганда ташкил этилган Ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун эришилган ютуклар ва истиқболли лойиҳаларни намойиш килиш, талаб ва таклиф мутаносиблигини белгилаб олишда амалий восита вазифасини ўтади. Вилоят марказидаги Маданият саройида ўтказилган ушбу тадбирда 150 та корхона мингдан зиёд турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Уларнинг асосий кисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан иборат эканлиги, айниқса, диккатта сазовор. Зоро, иктиодиёт таяни бўлган мазкур соҳа вакиллари ўзларининг импорт ўрнини босувчи, рақобатардан маҳсулотларни билан ичики бозорни тўлдиришга муносиб хисса кўшмоқдалар.

• Самарқандада «Мустаҳкам оила йили» давлати дастури ижроси доирасидан «Миллатлараро тувлувчи ва диний бағрикенглил – тараққиёт омили» мавзууда иммий амалий семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Республика Вазирлар Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, «Тасвирий ойина» иходий уюшмаси, «Махалла» жамоат фонди ҳамда вилоят юхомлиги ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги миллий маданият марказлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Амстердамдаги Ван Гог музейи коллекцияси яна бир ноёб асар билан бойиди. Машхур мўйқалам соҳиби Ван Гогнинг илк асари бўлмиш «Кесилган мажнунтол» акварели 1882 йилда чизилган. Қарий бир ярим асрга тенг Ван Гогнинг ушбу асарини музей жорий йилда Лондондаги кимошибади савдосида 2,05 миллион АҚШ долларига сотиб олди.

• Япониянинг Аракава дарёсида цезий изотопи мидори кескин ошмоқдан. Бунга мамлакатдаги «Фукусима-1» АЭСдаги авария сабаб бўлган. Кинки университети олимларининг таъкидлашича, айрим худудлардаги цезий мидори нормадагидан 13 баробар ошган. Профессор Ямазакининг фикрича, хаводаги радиоактив элементлар ёғингарчилик орқали дарёга тушади.

• Бир неча кундан бўйин тинмай ёғаётган кучли ёмғир Хитойнинг Ганьсу провинциясидаги тогли ҳудудларда истикомат килувчи элликка яқин кишини ҳаётдан олиб кетди, ўн бешдан зиёд одам бедарак йўқолди. Синъху ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, дўй билан бирга келган сел Минъсанъ уездидаги 350 мингдан зиёд аҳолига катта иктиодий талафот етказиб. Махаллий аҳоли электрсиз колган. Табиии оғат зарар келтирган ҳудудлардаги ўтиз мингдан ортиқ киши хавфсиз ерларга кўчирилди.

• «Nikkei» наширининг ёзишича, Япониянинг «Sony» ва «Panasonic» компанияларининг киммалии көзларни баҳоси кескин тушуб кетган. 2011 йилни 456,66 миллиард иен (такхинан 5,7 миллиард АҚШ доллари) мидоридаги зарар билан якунлаган «Sony» иктисолидаги тант ахволда. Электрон маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи мазкур компанияларнинг молиявий аҳволи ёмонлашувига рақобатчи корхоналарнинг маҳсулотларига талабнинг ортаётгани сабаб бўлаётир.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар хокимигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ ЭРТАГА Миллий матбуот марказида Давлат солиқ кўмитаси то маданият «Солик сиёсатида кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш масалалари мавзуидаги матбуот анжумани ўтказилади.

✓ ҲАМЗА туманидаги «Машинасозлар» маҳалласи ва «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигига таш-

